

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бешарик тумани
Ободонлаштириш бошкармаси
(комиссия раиси)



Н. Насипов

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

танлов хужжати

Бешарик 2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **“Фаргона вилояти Бешарик тумани Эшон ва Юкори Заркайнар МФЙлар худудида ичимлик сув таъминотини яхшилаш максадида 2 дона чукурлик насослари ($Q>10\text{m}^3, H>50\text{m}, N=3\text{kWt}$) етказиб бериш». (қиймати ҚҚС билан).**

1.2. Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан **50 000 000** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди._

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича хизматлар умумий жорий қийматининг 30% микдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш етказилган махсулотлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб ракамига маблағ ажратилганидан сўнг обьект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фарғона вилояти Бешарик тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Фарғона вилоят Бешарик тумани Бешарик шахри, Олтин водий кучаси, 164-йй. Эл.адрес: beshariq.obodonlashtirish@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари етказилган махсулотлар тўғрисидаги маълумотлар;
- Низом, гувохнома;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ходимлари);

- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги З йиллик иш тажрибаси;
- Кафолат хати (буортмачига махсулотларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган холда).

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган етказилган махсулотлар билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буортмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буортмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, етказиладиган махсулотлар кўрсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит холда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган холда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибдағолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тұғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчى деб топилғандан сүнг қонунчиликда белгиланған тартибда давлат буюртмачиси билан үрнатылған тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига үзгартыштар киритиш тұғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) үзгартыришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига үзгартыштар киритилған санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилған ахборот үзгартырилған бўлса, танлов ўтказиш тұғрисидаги эълонга үзгартыштар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланған шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланған шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини үзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинған қўчирма у имзоланған кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталаида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталған иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сүнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тұғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилған таклифда кўрсатилған шартлар асосида тузилади

Танлов талаблари

Банд	Мажбурийлиги	Бахошкала
Умумий маълумотлар (мажбурий талаблар)		
1.1. Шартнома тузиш учун хукукий асослар	Зарур	0-20
1.2. Ноҳалол ижрочилар Ягона реестрида мавжуд эмаслиги	Зарур	0-20
1.3. Банкротлик процедураларида мавжуд эмаслиги	Зарур	0-20
1.4. Солик ва бошқа мажбурий туловлар буйича карздорликнинг йуклиги	Зарур	0-20
Товарлар ва буюмлар		
2.1. Бошлангич сумма		0-20
2.2. Таклиф этилаетган сумма		0-20
Буюртмачи талаблари		
Иштирокчи тугрисида умумии маълумот	Афзалрок	0-20
Ташкилот низоми. Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома	Афзалрок	0-20
Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза	Афзалрок	0-20
Техник хужжатларда курсатилган вазифаларни уз вактида ва сифатли килиб тайерлаб бериш кафолати	Афзалрок	0-20
Ташкилотнинг охирги йиллик баланс ва молиявий хисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган бўлиши керак)	Афзалрок	0-20
Банк маълумотлари	Афзалрок	0-20